



## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 февраль куни Туркман халқининг миллий етакчиси ва Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Сўхбат аввалида етакчилар Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан бир-бирларини дилдан қўлаб, энг эзгу тилаklarини билдирдилар. Халқ Маслаҳати Раиси Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг ҳам самимий табриklarини етказди.

Утган йилларда Ўзбекистон — Туркменистон муносабатлари дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончдек эзгу аъёнларга таянган ҳолда жадал ривожланиб боргани ва бугунги кунда стратегик шерикликдек юксак даражага кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Ушбу кўптуф кунда азалдан яқин қардошлик ришталаридан келиб чиқиб ва ўзаро ҳурмат белгиси сифатида мамлакатларимиз ўртасида дўстона ёрдам алмашилди — Туркменистондан юртимизга сўлтирилган газ партияси етказилди, ўз навбатида, Ўзбекистондан қўшни мамлакатга замонавий тез ёрдам машиналари жўнатилди.

Бундан ташқари, куни кеча мамлакатларимиз пойтахтларида кенг жамоатчилик, миллий диаспоралар ва дипломатик корпус вакиллари иштирокида тантанали тадбир ва концертлар бўлиб ўтди.

ЎЗА

## ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИНИ ПАСАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида жорий йилда инфляция даражасини пасайтириш чоралари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказилди.**

Маълумки, инфляция фақатгина макроиқтисодий кўрсаткич эмас, аҳоли даромади ва турмуш тарзига таъсир қилувчи омил ҳисобланади. 2022 йил якуни билан юртимизда инфляция 12,3 фоизни ташкил этган эди. Барча иқтисодий механизмларни қўлаб, жорий йилда бу кўрсаткични 10 фоиздан пастга тушириш мақсад қилинмоқда.

Бунинг учун истеъмол товарлари, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, уларни “даладан дастурхонгача” етказиб беришдаги харажатларни қисқартириб, арзон бўлишини таъминлаш зарурлиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун аҳолига ажратилган жами 200 минг гектар ердан унумли фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ушбу чора-тадбирларни тизимли ташкил этиш учун ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳар бўйича алоҳида “йўл хариталари” ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Аҳоли даромадларини оширишда уларнинг бўш пул маблағларини молия бозорига жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада яратилаётган қўлайликлар ўз натижасини бермоқда. Жумладан, охириги уч йилда аҳолининг банкдаги омонатлари 2 бараварга ошди.

Лекин бу йўналишда ҳали имкониятлар кўп. Шу боис, йиғилишда аҳоли учун жозибador молиявий хизматлар турларини кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ҳар бир фуқаронинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиб, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳимдир.

2020-2024 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш орқали ёшларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни янада такомиллаштириш, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ижросини таъминлаш, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 76-сессияси** ҳамда **Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги ташаббус** ва **таклифларини** амалга ошириш доирасида 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида **“Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим”** Глобал форуми ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим** бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, илгор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси, халқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган:

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури (кейинги ўринларда — Миллий таълим дастури) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия (кейинги ўринларда — Миллий комиссия) (А.Саидов) **Миллий таълим дастури** ва **“Йўл харитаси”**нинг амалга оширилиши юзасидан:

мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб борсин;

доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотнинг расмий веб-саҳифаларда ва оммавий ахборот воситаларида жойлаштириб борилишини таъминласин;

ҳар олти ойда Олий Мажлис палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентига умумлаштирилган маълумот киритиб борсин;

Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

### ИЗЧИЛ ВА ҲАЁТБАХШ ЯНГИЛЕНИШЛАР

**фарғоналиклар турмушини фаровон қилиб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда**

Давлатимиз раҳбарининг водий вилоятларига ташрифи фарғоналиклар ҳаёт тарзига ўзгача жўшқинлик бахш этиб, янги-янги мақсад ва марралар сари руҳлантирди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Аслида, ташрифдан ташрифтача бўлган даврда Фарғонада эса қоларли воқеа ва ҳодисалар кўп бўлди. Аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида кўплаб янги лойиҳалар амалга оширилди, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши ҳисобига минглаб иш ўринлари яратилди.

Давоми 4-бетда



## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚУТҚАРУВЧИЛАР ТУРКИЯДАГИ ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ФАОЛ КЎМАК КЎРСАТМОҚДА

Туркиянинг жануби-шарқида содир бўлган ҳалокатли зилзила оқибатида кўплаб одамлар қурбон бўлиб, ўз уйини йўқотган ва яраланган кишилар сони ортиб бормоқда.

“Дўст оғир кунда билинади”, деганларидек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев биринчилардан бўлиб Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқот қилиб, чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Биродар Туркия халқига зилзила оқибатларини бартараф этишда кўмаклашиш мақсадида бугун Ўзбекистондан иккита самолёт Адана ва Газиантеп шаҳарларига гуманитар ёрдам ҳамда қутқарувчилар гуруҳини олиб келди. Этник ўзбеклар кўп яшайдиган ҳудудда қутқарувчиларимиз ўз ишини бошлаб юборди ва етиб келган гуманитар юк эҳтиёжмандларга етказиб берилмоқда.

Туркиянинг жанубий вилоятларида кўплаб ўзбеклар яшайдиган маҳалла ва қишлоқлар мавжуд. Ҳалокатли зилзила айнан улар истиқомат қиладиган ҳудудларга яқин ерда содир бўлган. Хусусан, 15 мингдан ортиқ ўзбек яшайдиган Ҳатай вилоятидаги Овакент (Ovakent) қишлоғи энг кўп жабрланган ҳудудлардан бири. Туркия расмийлари билан эришилган келишувга мувофиқ, Ўзбекистондан келган 100 га яқин қутқарувчилар ҳозирда айнан ушбу ҳудудга йўналтирилди ва қидирув-қутқарув ишларини олиб бормоқда.

Адана шаҳрида жойлашган ўзбеклар уюшмаси раҳбари Усмон Бек Ўзбекистон томонидан кўрсатилган ёрдам учун миннатдорчилик билдириб, жумладан, қўйидагиларни қайд этди:

— Аввало, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва бутун Ўзбекистон халқига катта раҳмат! Қўйин кунимизда бизни ёлғиз қўймадилар. Бизга гуманитар ёрдам ва қутқарувчилар гуруҳини жўнатишди. Қутқарувчилар оғир аҳволга тушиб қолган кишиларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Гуманитар ёрдам ҳам қисқа фурсатларда ўз эгаларига етказилади.

“Дунё” АА Анқара

## НУҚТАИ НАЗАР

### ПРО-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ЛОКОМОТИВИ

Пулни пул топади. Халқона содда тилда айтилган бу ибора иқтисодий жиҳатдан тўла асосга эга. Бинобарин, даромад келтирувчи ҳар қандай фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш ва ривожлантириш учун сармоя, бошқача айтганда, пул керак. Муайян соҳа ёки тармоққа тикилган инвестиция эса, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни реализация қилиш орқали даромад келтиради. Қолаверса, пулнинг бир жойда ҳаракатсиз туриши инфляция натижасида қийматини туширади. Шу нуқтаи назардан ҳам ҳеч бўлмаганда қиймат йўқолмаслиги учун пул ҳаракатда бўлиши керак.

Давоми 3-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

### СЕЙСМИК ФАОЛЛИКНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

Яқинда дунёнинг бир неча мамлакатиде содир бўлган ер силқинишлари туфайли кўплаб бинолар вайрон бўлди. Ҳалок бўлганлар ҳақидаги рақамлар соат сайин ўзгармоқда. Бу айрим юртдошларимиз кўнглида ҳам бесаранжомлик уйғотгани сир эмас. Бундай табиий офатнинг Ўзбекистонда ҳам таъсири кузатиладими, деган савол бот-бот янграмоқда.

Муҳбиримиз Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институтининг директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Вохидхон ИСМОИЛОВ билан сўхбатлашиб, мавзуга доир саволларга жавоб олди.

Давоми 5-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ  
МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрланиши, хорижий тилларга таржима қилиниши ва эълон қилиниши таъминласин.

Белгилансинки, ахборот-таҳлилий шарҳлар ва уларнинг таржималарини чоп этиш ва эълон қилиш билан боғлиқ харажатлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига (кейинги ўринларда — Марказ) Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4. "Йўл харитаси"да белгиланган масъул ижрочилар ўзларига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 5-санасига қадар Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия ишчи органи — Марказга тақдим этиб борсин.

5. Олий Мажлис палаталарига Миллий комиссиянинг Миллий таълим дастури ва "Йўл харитаси"нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

6. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профессионал ва олий таълим тизимида "Инсон ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари" бўйича тегишлича ўқув ва махсус курслар жорий этилсин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Марказ билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар "Инсон ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари" бўйича ўқув ва махсус курслар жорий этиладиган профессионал ва олий таълим ташкилотларининг аниқ рўйхатини шакллантириш ҳамда тегишли ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 июндан бошлаб Марказ томонидан ҳар йили:

"Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги таълим ва инновациялар" миллий танлови ўтказиб борилади; ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида фаолият мазкур шахслар билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренинглар ташкиллаштирилади.

Марказ: а) уч ой мuddатда: Миллий танловни ўтказиш бўйича Низом ва дастурни ишлаб чиқсин ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиб, тасдиқласин;

ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари, аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва мигрантлар ҳуқуқлари йўналишларида тегишли ташкилотларда ўқув курслари ва семинар-тренингларни ўтказиш бўйича режа-графикни тасдиқласин; б) 2023 йил 1 апрелга қадар: "Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари", "Инсон ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари", "Аёллар ҳуқуқлари", "Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари" туркум қўлланма ва рисоаларни тайёрлаш ва чоп этиш чораларини кўрсин;

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформани яратиб, ишга туширсин.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган топшириқларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Марказга Давлат бюджети доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

8. 2023 йил 1 мартдан бошлаб терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки

терговни амалга оширувчи органлар ва жазони ижро этиш муассасалари ходимлари учун қийноққа солишга қарши курашиш бўйича қисқа мuddатли ўқув курслари доимий равишда ташкил этилсин.

Марказ ва Бош прокуратура: мазкур ўқув курсларини ташкил этиш учун масъул этиб белгилансин;

икки ҳафта мuddатда қийноққа солишга қарши курашиш бўйича ўқув курсларини ўтказиш графикни тасдиқласин.

9. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (О.Хасанов) Давлат бошқаруви академияси (А.Бекмуродов) билан биргаликда:

2023 йил 1 майдан бошлаб раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида Инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича ўқув курслари (соатлари)ни жорий қилсин. Бунда, мазкур ўқув курсларини Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш бўйича электрон платформаси орқали ташкил этишга рухсат этилсин;

2023 йил 1 апрелга қадар Марказ билан биргаликда соҳаларнинг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалалари бўйича ўқув курслари модули ва дастурини ишлаб чиқсин.

10. Миллий комиссиянинг: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказларида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги адабиётлар йўналишини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказлари фондини Марказ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича тизимлашган илмий-ҳуқуқий манбалар билан доимий таъминлаб бориш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

11. Марказ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ахборот-кутубхона марказлари:

халқаро шартномаларнинг давлат тилидаги тўпламлари;

инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув, илмий-услубий ва халқаро нашрлар;

инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бўйича юри-тилаётган хронология материаллари билан тизимли равишда таъминлаб борсин.

12. Марказнинг жорий йилнинг февраль ойида мамлакатимизда "Инсон ҳуқуқлари" ҳафталигини ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Марказ: а) бир ҳафта мuddатда "Инсон ҳуқуқлари" ҳафталигини ўтказиш дастурини тасдиқласин;

б) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан ҳамкорликда давлат таълим муассасаларида:

"Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги" доирасида ўтказиладиган тадбирларда "Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари" мавзусига алоҳида эътибор қаратилиши;

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан ўтказиладиган кўрик-танловларда аёллар, бола ва ёшлар ҳуқуқлари масалалари қамраб олиншини таъминласин;

в) Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда икки ҳафта мuddатда маҳалларда ёшлар иштирокида "Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият" мавзусида турли даражадаги маърифий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувларнинг ўтказилиши,

шу жумладан, уларнинг видеоконференц-алоқа орқали Марказ ходимлари иштирокида ташкил этиш;

г) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев) ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) билан биргаликда "Инсон ҳуқуқлари" ҳафталигини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин.

13. "Эл-юрт умиди" жағмафасни очик стипендия танловлари асосида хорижда бакалаврият, магистратура ва докторантура таълим олиш ҳамда малака ошириш дастурларининг мақсадли кўрсаткичларини тузишда инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича бюрутмачи вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кучимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Халқаро пресс-клуб (Ш.Қудратхўжаев):

ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тушунтирилиши;

Миллий таълим дастурининг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотларнинг кенг жамоатчиликка тезкор етказилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Марказ директори А.Х.Саидов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 7 февраль

## ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон ва Қирғизистон:  
ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИККА  
ТАЯНГАН ҲАМКОРЛИК

Марказий Осиё халқаро институтида Президентимизнинг жорий йил 26-27 январь кунлари Қирғиз Республикасига амалга оширган давлат таширфи яқуни муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирда Марказий Осиё халқаро институти директори Владимир Норов, Олий Мажлис Қошунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Дилором Файзиёва, Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Асеин Исаев, Қирғиз Республикаси Президентини ҳузурдаги Миллий стратегия тадқиқотлар институти директори Азиз Канатбек ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг мазкур таширфи қардош халқларини муносабатларида янги саҳифа очувчи муҳим тарихий воқеа бўлганини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, давлат таширфининг тарихий дўстона руҳда ўтгани, самимий ва самарали келишувларга бой бўлгани Президентларнинг икки мамлакат, бутун минтақа хавфсизлиги ҳамда барқарорлиги йўлидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришни мақсад қилган кучли сиёсий иродасини намойиш этгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги — кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқувчи декларациянинг имзоланиши ушбу

таширфининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорликнинг қатор йўналишларини қамраб олган икки томонлама шартномалар тўплами имзоланди.

Президентимизнинг давлат таширфи мубоайнидаги мулоқотларида иқтисодий, транспорт логистикаси, сув ресурслари ва бошқа соҳаларда яқин ҳамкорлик билан бирга, минтақавий тузилмалар ва халқаро мулоқот майдонлари доирасидаги бирдамлик, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик, замонавий хатар ва таҳдидларга қарши самарали курашиш масалалари ҳам атрофича муҳокама қилинди.

Олий даражадаги мулоқотлар тизими ва фаол тус олгани ҳамкорликни салмоқли даражада мустаҳкамлаш, янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва амалий шерикликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бишкек музокаралари давлатларимиз икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, уларни сифат жиҳатидан тўлдириш ва мазмунан бойитишга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон — Қирғизистон ўртасидаги серқирра ришталарнинг мустаҳкам

пойдевори ва асосий тамойилларини умумий тарих, кўп асрлик ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничлик аънаналари бирлаштириб туради. Икки давлатнинг замонавий алоқалари қисқа давр ичида сезиларли даражада мустаҳкамланди ва кенгайди. Олий ва юқори даражадаги, шу жумладан, йирик халқаро ва минтақавий ташкилотлар — БМТ, МДХ, ШҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги мунтазам учрашувлар ҳамкорлик юқори даражада эканининг яққол тасдиғидир.

2022 йили Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувида иштироки доирасида Қирғизистонга, Қирғизистон Президентининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари доирасида Ўзбекистонга амалий таширфлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, мамлакатимиз делегацияларининг Қирғизистонга қатор юқори даражадаги таширфлари амалга оширилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг сиёсий иродаси ҳамда икки томонлама ҳукуматлараро комиссиянинг саъй-ҳаракатлари самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги давлат chegarасини делимитация қилиш бўйича энг мураккаб масалалар ҳал этилди. Ҳамкорликдаги ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ўртасида товар айланишида барқарор ўсиш кузатишмоқда. Сўнгги 6 йил мобайнида ўзаро товар айланмаси ҳажми 7 баробардан кўп ўсиб, 2022 йили 1,26 миллиард долларга етди. Саноат ва инвестиция кооперацияси соҳасидаги ҳамкорлик раванқ топишмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Президентимиз ташаббуси билан туризм инфратузилмаси тўқдан янгилаб, соҳага давлат томонидан қўмак берилётгани Қирғизистон экспертлари томонидан алоҳида таъкидланди.

Маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистонга Қирғизистондан 1 миллион 300 мингдан ортиқ, ўз навбатида, Қирғизистонга қарийб 2,5 миллион фуқаро таширф бўлган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг олий даражали музокаралари яқунлари бўйича имзоланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини очиб беришга ҳамда ўзбек-қирғиз стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

## ҚИШ ФАСЛИ — ИШ ФАСЛИ

Қўқаламзорлаштириш ва  
Яшилликка асос бўлган лойиҳа

Дунёдаги глобал ўзгаришлар инсоният тамаддунига ҳам ўз таъсирини ўтказган қолмаёпти. Айрим ривожланган давлатлар ҳам бугун маданий ва иқтисодий инқироз ботқоғига ботиб қолаётгани сир эмас. Эртага нима бўлишини ҳеч ким башорат қилолмайди. Боз устига экологик вазият тобора ёмонлашиб бормоқда. Дунёдаги мегаполислардан чиқётган чикинди гази, чўллалардан кўтарилган миллион тонналаб қум зарралари одамлар яшаётган худудларни босмоқда. Чўлланин жараянлари тезлашиб кетди.

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги "Республикада қўқаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарактлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз халқи, давлатимиз тараққиётига хавф солиб турган ана шу фалокатларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 2 ноябрь куни ўтказган видеоселектор йиғилишида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини эълон қилди. Лойиҳа доирасида йилга 200 миллион туп даракт ва бутта кўчатларини экиш режалаштирилди.

Самарқандда бўлиб ўтган туркий давлатлар саммитида Президентимиз

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси агротехник қондаларга rioя этган ҳолда, суғориш тизими билан экилган даракт кўчатларининг кўкарувчанлик даражаси юқори бўлгани қайд этилди. 2022 йил мобайнида вилоятда 5 миллион 939 миң туп даракт ва бутта кўчатлари экилиш режалаштирилган эди. Арнасой, Бахмал, Ғаллаорол, Зомин ва Зарбдор туманларида режанинг ошириб бажарилиши ҳисобига 5 миллион 982 миң туп кўчат экилди.

Шунингдек, ерларнинг шўрланиши ва чўлланишига қарши ихота дарактзорлари барпо этиш мақсадида 306 миң туп даракт ва бутта кўчатлари экиш ҳам белгилангани. Бу режа ҳам ошириб бажарилди.

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ўрмон хўжаликларига кўчат тайёрлаш, уларни парвариш қилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

— Вилоят худудидаги иқлимни ҳисобга олиб, кўчатларни махсус елим халталарда ўстиряпмиз. Бу кўчатни ҳар қандай фасл ва шароитда экишдан қатъи назар, яхши кўқариб кетиш кафолатини беради, — дейди Жиззах ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари Уктам Қўшимов.

Айни пайтда ўрмончилар қиш кунларида ҳам кўчатзорларда меҳнат қилмоқда. Улар каштан, липа, оққайин, эман, япон сафораси ва йигирмадан ошқик бошқа турдаги кўчатларни парваришлаб, эрта баҳорда экишга тайёрламоқда. Ўрмончиларнинг айтишича, кўчат ва дарактларга аномал совуқнинг зараридан кўра фойдаси кўпроқ. Совуқ натижасида ер қатлами музлаб, ундаги турли хашаротлар ва уларнинг уруги нобуд бўлди. Энди улар кўчатларга зарар келтирмайди.

Ҳозирги кунда вилоят ўрмончилари кўчатлар ва дарактзорларга яқин сув, айрим кўчатларнинг иқлимга мослашиши учун қўшимча ўғит бериш ишлари билан машғул. Шу тариха патентларда 9 миллион 900 миң туп кўчат тайёрлаб қўйилди.

Эрта баҳорда фермер хўжаликлари ер майдонлари четига 3 миллион 256 миң, корхона ва хизмат кўрсатиш шохобчалари худудига 2 миллион 75 миң, шаҳар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидига ерга 2 миллион 8 миң, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари худудига 1 миллион 399 миң туп кўчат экиш режалаштирилган.

Демак, шаҳар ва қишлоқларимиз яшилликка бурканади, ёз чилласида ҳам даладар, қир-адирлар кўм-кўк бўлиб туради. Келажақда бу дарактлар ҳавони янада тозалаш билан бирга, жазирамда соя-салқинлик бериб, дилга роҳат бағишлайди.

Асад МУСТАФОЕВ,  
журналист

НУҚТАИ НАЗАР

Бугун кўнглимдаги битта ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим — юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

IPO — ИҚТИСОДИЙ БАҲАҚАРОРЛИК ЛОКОМОТИВИ

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Маъруф МИРЗАМАҲМУДОВ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Бошланиши 1-бетада

Президентимиз Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида 2023 йилда энг йирик 10 та компания ва банкнинг акциялари юртдошларимиз учун очиқ ва шаффоф савдога чиқарилишини таъкидлар экан, бу чинакам халқчил IPO бўлишига ишонч билдирди.

IPO нима, унинг қандай фойдали жиҳатлари бор?

Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: IPO ўзи нима, унинг давлат ёки халқимизга қандай фойдаси бор? Аввало, ўзaro мулоқотимизда нисбатан янги атамо бўлган IPO ҳақида тўхталиб ўтсак.

Сўзимиз аввалида бежиз сармоянинг ҳаракатда бўлиши қўшимча пул, яъни даромад келтириши ҳақида фикр юритмадик. Зеро, айни мавзумиз — IPO ҳам қайсидир маънода турғун маблағни ҳаракатга келтириш орқали иқтисодий барқарорликка эришишга қаратилган.

Аслини олганда, IPO (Initial Public Offering) бирламчи оммавий тақлиф компаниялар томонидан ўз акцияларини биринчи марта биржа листингига киритиб, оммага тақлиф қилиш жараёнидир. Демак, бундан англашладикки, халқ IPOси компания акцияларининг чет эллик инвесторларга эмас, биринчи навбатда, маҳаллий аҳоли учун савдога қўйилишидир. Бошқача айтганда, бу мамлакат иқтисодиёти ривожини йўлида аҳоли қўлидаги пул маблағларини жалб қилишнинг бир усули.

Бугунги кун шароитида бу жараён барча тарафлар — давлат, компаниялар ва акцияларни харид қилувчилар учун бирдек фойдали бўлиши мумкин. Келинг, яхшичи, ўша фойдали жиҳатлар, умуман, ушбу жараённинг иқтисодий самардорлигини ўзимиз мисолимизда кўриб чиқсак.

Айтилик, сиз мумкин иш билан бандсиз ва ундан топаётган даромадингизнинг муайян қисmini оила харажатларидан ортириб, бирор катта мақсад учун йиғиб бораёсиз. Шу кеча-кундузда сиз жамғариб бораётган пул, масалан, 20 миллион сўм бўлди. Сиз бу пул инфляция ҳисобига қадрсизланмаслигини, аксинча, уни қўлайтириш учун нима қилган бўлар эдингиз?

Гап пулни энг самарали йўл билан қўлайтириш ҳақида борар экан, бу борада тадбиркорликка тенг келадигани йўқ, аслида. Лекин бу ҳолатда сиз бирор тадбиркорлик фаолиятини бошлашингиз қийин. Негаки, биринчидан, сиз бошқа фаолият тури билан бандсиз ва табиийки, тадбиркорлик кўникмангиз йўқ ёки етарли эмас. Иккинчидан, маблағингиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга камлик қилади, шу боис, банкдан кредит олишга тўғри келади.

Умуман олганда, бу катта таваккал ва уни амалга ошириш учун сизда пухта таъминот бўлиши керак. Демак, тадбиркорлик, бир томондан, жуда самарали, бошқа томондан эса сиз учун мавҳум иш.

Шунинг учун ҳам одатда аксариятимиз эҳтиёткорликдан ортирилган маблағга қишлоқ шароитида чорва, тилла буюмлар, шаҳарда эса хорижий валюта олампиз ёки уни банкка депозитга қўямиз.

Танловингиз уларнинг қайси бири бўлишидан қатъи назар, ютқазмайсиз. Чорва учун ем-хашак зарурлиги, банк депозитлари учун қайта молиялаш ставкаси ҳисобга олиниши, хорижий валюта курси тушиши мумкинлиги ва яна бошқа эҳтимолларга қарамай, пул "қучи"ни сақлаб туришингиз, ҳатто вазиятга қараб фойда ҳам кўришингиз мумкин. Амалда кўпчилигимизнинг иқтисодий ҳаётимизда шундай бўлапти ҳам.

Иқтисодий самардорлиги қандай?

Ҳўш, агар IPO иштирокчисига айланиб, акциядор бўлсак, иқтисодий ҳолатимиз қандай бўлади?

Халқ IPOси нафақат сиз, балки юқорида айтиб ўтганимиздек, барча тарафлар учун бирдек фойдали бўлиши мумкин. Буни давлат, компания ва ўзимиз, яъни уч томон манфаати нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

Аввало, таъкидлаш жоизки, IPO жараёнида сиз барқарор компанияларни танлаб, уларнинг акцияларини сотиб оласиз. Бундай акцияларга узоқ муддатга пул тикишда мураккаб даромад (compound interest) деран имконият бор. Бу — бизнес ривожланиши, улушларга бўлган талаб ортиши туфайли инвестициялар экспоненциал ўсиб бориши мумкин, дегани. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, ўз омонатларингизни инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлиш имкони. Лекин ушбу жараёнда ҳам бизнесга хос таваккалчилик ва шунга мос равишда хатарлар мавжудлигини унутмаслик лозим. Хатарлар ҳавфини камайтириш эса йирик ва истиқболли компанияларнинг танлашингизга боғлиқ. Демак, умумий жиҳатдан олиб қаралганда, бу биз учун иқтисодий жиҳатдан самарали танлов.

IPO давлат учун ҳам қатор қўлайликлар яратади. Айтилик, давлат энергетик барқарорликка эришиш йўлида соҳани ислоҳ қилмоқчи. Бу борада қўшимча энергия ресурслари қўватини яратиш учун эса 25-30 миллиард доллар маблағ зарур. Табиийки, ушбу йўналишда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг ҳозирги молиявий ҳолати буни "кўтармайди". Лекин соҳа ислоҳотга муҳтож. Бундай шароитда ушбу йўналишдаги корхоналарнинг халқаро молия ташкилотларидан кредит жалб қилиши талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ташқи қарзи ошишига олиб келади.

Самарали IPO жараёни ҳам давлатни, ҳам компанияни бундай оғир "юк"дан қўтариши билан бир қаторда, қўланган энергетик мақсадларга эришиш ҳам акциядорлар учун даромад манбаи яратишга хизмат қилади.

Қолаверса, акцияларини IPOга чиқарган компаниялар инвесторлар олдига ҳисобдор ва шаффоф бўлишга мажбур. Шунинг учун улар ҳисоб юритиш тизимларини ислоҳ қилиб, замонавий технологиялардан фойдаланишга ўтади. Бу эса, ўз навбатида, кимматли қоғозлар бозори ривожига ҳам туртки бўлади.

IPO, айниқса, компаниялар учун жуда самарали. Дейлик, бирор йирик компания ишлаб чиқариш фаолиятини зинта қўямиз.



Аслини олганда, IPO (INITIAL PUBLIC OFFERING) БИРЛАМЧИ ОММАВИЙ ТАҚЛИФ КОМПАНИЯЛАР ТОМОНИДАН ЎЗ АКЦИЯЛАРИНИ БИРИНЧИ МАРТА БИРЖА ЛИСТИНГИГА КИРИТИБ, ОММАГА ТАҚЛИФ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДИР. ДЕМАК, БУНДАН АНГЛАШИЛАДИКИ, ХАЛҚ ИРОСИ КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИНГ ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИОРЛАРГА ЭМАС, БИРИНЧИ НАВБАТДА, МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ УЧУН САВДОГА ҚЎЙИЛИШИДИР. БОШҚАЧА АЙТГАНДА, БУ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИ ЙЎЛИДА АҲОЛИ ҚЎЛИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ БИР УСУЛИ.

кенгайтириш мақсадида янги қувватларни ишга туширмоқчи. Табиийки, бу жараён катта маблағ талаб этади. Компанияда эса бунча пул йўқ.

Бундай вазиятда компаниялар тижорат банкларидан кредит олади. Лойиҳадан келадиган даромаднинг каттагина қисми кредит фоизлари учун йўналтирилади.

Компания учун акцияларини биржада сотиш эса кредит билан боғлиқ катта таваккалчиликка нисбатан анча самаралидир. Чунки самарали бизнес эгалари (стартаплар) жамият акцияларини фонд биржасида шаффоф ва самарали жойлаштириш орқали миллионлаб инвесторлар ва миллиардлаб сармоя жалб қилиш имконига эга бўлади. Шу тарихқа компания акциялар соҳасидан тушган пулни бизнесга йўналтирилади, ундан оладиган фойдасидан эса ҳиссадорларга дивиденд тўлайди. Мабодо бунинг акси бўлиб, лойиҳа ўзини иқтисодий жиҳатдан оқламаसा, зарар миқдори юз минглаб инвесторга бўлиниши ҳисобига компания учун хатар юки камаяди.

IPO нинг компаниялар учун яна бир ижобий жиҳати, биржадаги листинг мазкур компанияни машҳур қилади, мақом беради ва энг муҳими, юқорида айтиб ўтганимиздек, иқтисодий капиталга эга бўлиш имконини осонлаштиради.

Шу маънода ва умуман олганда ҳам IPO компаниялар ривожини учун катта қадамдир. Чунки ушбу жараён самарали капиталга эга бўлиш билан бирга, қарз инструментлари (облигациялар, тижорат банклари кредитлари) га нисбатан самаралироқ ҳамда молиявий хатарларни бошқара оладиган воситани тақлиф қилади.

Жараён қандай ташкил этилади?

Албатта, компания янги акцияларини шунчаки чиқариб, дарҳол биржага жойлаштира олмайдди. Ундан олдин у инвестиция банклари, адвокатлар ва бошқа қўллаб-муштахисслар иштирок этадиган бир неча босқичдан ўтиши зарур. Бундай "road show" лар инвесторларга жамиятнинг кўрсаткичлари ва акцияларини жойлаштириш маълумотларини очиб беради. "Road show" одатда икки-уч ҳафта давом этади.

Навбатдаги — асосий босқичда "road show" пайтида эмитент акцияларига олдиндан аризалар йиғилади. Йиғилган аризаларга кўра, андеррайтер инвесторларнинг қанча акция сотиб олишга тайёрлиги ва қандай нархда экани тўғрисида маълумот олади. Халқаро тажрибага кўра, андеррайтер акцияларини IPO биржага қилишдан олдин сотиб олиш ва уларни жойлаштиргандан кейин қайта сотиш ҳуқуқига эга.

Агар компаниянинг IPOси шов-шувга сабаб бўлса, унда акцияларга талаб тақлифдан ошиб кетади ва жамият андеррайтер билан биргаликда акциялар нархини ошириши ёки қўшимча қоғозларни чиқариши мумкинлиги юзасидан қарор қабул қилади.

тариқа IPOнинг навбатдаги тайёргарлик босқичи бошланади.

Кези келганида таъкидлаш жоизки, андеррайтер аниқ шартнома доирасида эмитент кимматли қоғозлари чиқарилишини ташкиллаштириш ва (ёки) кафолатли жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчи (инвестиция воситачиси ёки тижорат банки) ҳисобланади.

Иккинчи, яъни тайёрлов босқичида андеррайтер акцияларни биржага олиб чиқишининг барча тайёргарлиги билан шуғулланади. Одатда IPOда бир неча андеррайтер ишлайди. Бундан ташқари, акциялар жойлаштириладиган фонд биржаси танланади.

Андеррайтер компанияни баҳолайди ва бозор шароитларини инобатга олган ҳолда бўлажак IPO параметрларини аниқлайди: жами қанча акция ва қандай бошланғич нархда чиқарилади, шунингдек, биржага кимматли қоғозларни чиқаришнинг энг яхши, мақбул вақти қачонлигини белгилаб беради.

Шунингдек, ушбу босқичда жамият андеррайтер билан биргаликда IPO ўтказиладиган мамлакат регулятори учун проспекти тайёрлайди. Масалан, Россияда фонд биржаларидаги ишлар Россия банки, АҚШда Кимматли қоғозлар ва биржалар комиссияси (SEC) томонидан назорат қилинади. Ҳиндистон, Хитой, Австралия ва Ўзбекистонда Молия вазирликлари томонидан мувофиқлаштирилади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, капитал бозори ривожланган мамлакатларда проспектидан ташқари, андеррайтер эмитент билан инвестиция меморандумини — инвесторларга компания ривожини кўрсатиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатни ҳам тайёрлайди.

Ниҳоят, инвесторларнинг жойлаштирилган ҳужжатларга қизиқишини ошириш учун реклама кампанияси бошланади. Компания вакиллари худудий молиявий марказларга саёҳат уюштирилади ва шу жараёнда потенциал инвестор ва брокерлар билан учрашади. Бундай "road show" лар инвесторларга жамиятнинг кўрсаткичлари ва акцияларини жойлаштириш маълумотларини очиб беради. "Road show" одатда икки-уч ҳафта давом этади.

Навбатдаги — асосий босқичда "road show" пайтида эмитент акцияларига олдиндан аризалар йиғилади. Йиғилган аризаларга кўра, андеррайтер инвесторларнинг қанча акция сотиб олишга тайёрлиги ва қандай нархда экани тўғрисида маълумот олади. Халқаро тажрибага кўра, андеррайтер акцияларини IPO биржага қилишдан олдин сотиб олиш ва уларни жойлаштиргандан кейин қайта сотиш ҳуқуқига эга.

Агар компаниянинг IPOси шов-шувга сабаб бўлса, унда акцияларга талаб тақлифдан ошиб кетади ва жамият андеррайтер билан биргаликда акциялар нархини ошириши ёки қўшимча қоғозларни чиқариши мумкинлиги юзасидан қарор қабул қилади.

ИРОНИНГ КОМПАНИЯЛАР УЧУН ЯНА БИР ИЖОБИЙ ЖИҲАТИ, БИРЖАДАГИ ЛИСТИНГ МАЗКУР КОМПАНИЯНИ МАШҲУР ҚИЛАДИ, МАҚОМ БЕРАДИ ВА ЭНГ МУҲИМИ, ЮҚОРИДА АЙТИБ ЎТГАНИМИЗДЕК, ИҚТИСОДИЙ КАПИТАЛГА ЭГА БЎЛИШ ИМКОНИНИ ОСОНЛАШТИРАДИ.


Рақамлар таҳлили ёхуд IPOда янги қадамлар

Коронавирус пандемияси, глобал иқтисодий инқироз, дунё саҳнидаги геосийосий вазият ва халқаро санкциялар натижасида жаҳон ва минтақавий фонд бозорларида инвестициявий фаоллик секинлашди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг "тинжасини қуритди".

Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, 2022 йилда глобал IPO ҳажми 45 фоиз камайди, лекин пандемиядан олдинги давр билан солиштирилганда, иқтисодий танг ҳолатларга қарамай, битимлар сони 16 фоиз ошди ва муваффақиятли амалга оширилган IPOларнинг 67 фоизи Шарқий Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келди.

Бундан ҳулоса қилиш мумкинки, пандемия сабабли ривожланмаётган мамлакатларда иқтисодий фаоллик тезлашган ҳамда рақамли иқтисодиёт ва оммавий ахборот воситаларининг фаол иштироки ҳисобига IPO ҳажми ошган.

Ўз ўрнида, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан IPO ларни муваффақиятли ўтказиш мақсадида тўғридан-тўғри капитал бозорини ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, чет эл банклари ва инвестиция воситачиларининг Ўзбекистонда кимматли қоғозлар бозорига махсус лицензия олмастан



туриб андеррайтинг фаолиятини амалга оширишга рухсат берилди.

Давлат корхоналари ва банклари учун оммавий тақлиф жараёнилари амалга оширилади. Халқаро инвесторлар учун давлат облигациялари билан савдо қилиш имкони яратилди.

Шунингдек, соддалаштирилган АМЛ/КУС жараёнлари билан депозит ҳисобларини масофадан очиб имконияти пайдо бўлди. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖда валюта хатарларини камайтиришга қаратилган валюта фьючерс шартномалари бўйича операциялар йўлга қўйилди. Кимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш, лицензия ва маълум сертификатларини олиш тартиби стандартлаштирилди ва рақамлаштирилди. Эътиборли жиҳати, айни йўналиш бўйича қонунчилик базаси доимий янгиланиб, муштаҳамлаб борилмоқда.

Бундан ташқари, фонд бозори бўйича халқнинг молиявий саводхонлигини ошириш юзасидан ўқув материаллари ва ўқув дастурлари тайёрланиб, тизимли чоралар қўрилмоқда.

Мазкур IPO жорий йилнинг охири чорайида якунланиши кутилмоқда.

"Тошкент" республика фонд биржаси савдолари ҳажми таҳлилига кўра, қувонарли жиҳат шундаки, унда маҳаллий инвесторлар сони чет эллик инвесторларникидан кўп. Ўз навбатида, бу шунинг учун ҳам халқчил IPOни маҳаллий фонд бозоридан бошлаш зарурлиги ишора беради.

Кўпгина мамлакатларда корона-вирус пандемияси салбий ҳолатлари камайтириш сабабли ҳуқуқматлар табиий равишда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга эътиборини қучайтиради. Бу кўп қиррали ёндашув ва аниқлиқни талаб қиладиган муҳим вазифа. Юқорида таъкидланганидек, IPO иқтисодиётни қайта тиклашнинг тасдиқланган усули бўлиб, ижобий ва кенг қўллами тўлқин таъсирига эга. IPO фаровонлик сари айланма йўлни тақлиф қилиши мумкин бўлса-да, қизиқарли ва истиқболли йўналишга сармоя киритиш тақлифи билан иш уринлари яратиш ва катта инновациялар учун ишончли локомотиви ҳисобланади.

66 САМАРАЛИ IPO ЖАРАЁНИ ҲАМ ДАВЛАТНИ, ҲАМ КОМПАНИЯНИ БУНДАЙ ОҒИР "ЮК"ДАН ҚЎТҚАРИШИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА, КЎЗЛАНГАН ЭНЕРГЕТИК МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ ҲАМ АКЦИЯДОРЛАР УЧУН ДАРОМАД МАНБАИ ЯРАТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# ИЗЧИЛ ВА ҲАЁТБАХИШ ЯНГИЛАНИШЛАР

## фарғоналиклар турмушини фаровон қилиб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда



Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

### Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва экспорт миқдорини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилди. Утган йилнинг ўзида ҳудудий корхоналар томонидан 786,4 миллион долларлик sanoat ва қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари экспорт қилинди. Ялпи ҳудудий махсулот ҳажми 56 триллион сўми ташкил этди. Хизмат кўрсатиш соҳасида умумий қиймати 3,3 триллион сўмлик 1 минг 611 лойиҳа ишга туширилди. 8 минг 828 янги кичик бизнес субъекти очилди. "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури доирасида 42 минг 595 кишига 954 миллиард сўм кредит берилди. 559 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Инвестиция дастури доирасида 48 мактаб, 18 мактабгача таълим ташкилоти, 8 тиббиёт, 1 маданият ва спорт объекти, 27 ирригация тармоғида қурилиш, реконструкция ишлари амалга оширилди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларида кўзда тутилган 38 маҳаллада 427,8 миллиард сўмлик ободончилик ва бунёдкорлик ишлари бажарилди. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида қиймати 5,9 триллион сўмлик 1 минг 121 лойиҳа ишга туширилиб, 28 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилди.

Юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлидаги бундай ислохотлар ҳар жабҳада буй кўрсатмоқда. Президентимизнинг бу галги ташрифи Қўштепа туманидаги "Oqtepa" кичик sanoat зонасида "Fergana Global textile" пахта-тўқимачилик кластери ташаббуси билан қурилаётган "Global textile infinity" МЧЖдан бошланди. Бу бежиз эмас, албатта. Давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 13-14 май кунлари вилоятта ташрифи чоғида мазкур корхона қурилиши билан танишиб, ишларни жадаллаштириш, замонавий жиҳозлар олиб кириш орқали халқаро талабларга мос махсулот турларини яратиш борасида зарур кўрсатма ва топшириқлар берган эди.

Утган қисқа вақт давомида қаровисиз, эътибордан четда қолган майдонда қуриб битказилган янги корхона ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу ерда 132 миллион евро инвестиция ҳисобига 18 миллион метр юқори сифатли аралаш мато ҳамда 10 миллион дон таёёр махсулот ишлаб чиқарувчи янги қувватлар

ишга туширилиб, 1500 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Йиллик экспорт ҳажми 85 миллион еврога тенг. Янги корхона маҳаллий пахта толасини тўлиқ қайта ишлаб, тайёр махсулотгача бўлган жараёни қамраб олди.

Яна бир муҳим жиҳати, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологиялар қўлланилмоқда. Иншоотнинг том қисмига ўрнатилаётган қуёш панеллари 23 физгача электр энергиясини тежаш имкони беради. Шунингдек, ўқув ва касаначилик маркази фаолияти йўлга қўйилгани касб-хўна урганиш истагидаги ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Замонавий корхона фаолияти билан яқиндан танишган Президентимиз иқтисодий драйверига айланиб бораётган пахта-тўқимачилик кластерлари вакиллари ва фермерлар билан самимий суҳбатлашиб, олдinda турган муҳим вазифалар ижроси юзасидан керакли топшириқлар берди.

— Президентимиз билан мулоқотдан сўнг катта марраларни белгилаб олдик. — дейди Бешариқ туманидаги пахта-тўқимачилик кластери раҳбари Хуршидбек Мелиқўзиев. — Утган йили 7 минг 995 гектар пахта майдонидан 27 минг 550 тонна пахта хомашёси олдик. Уларни тўлиқ қайта ишлаш имкониятига эгамиз. Айни кунда йилгирув, тўқув, бўёқ ва тайёр махсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар фаолияти йўлга қўйилган. Пахта заводи масаласида айрим муаммолар бор эди. Учрашувда бу масалада амалий ёрдам сўраб билдирган тақлим қўллаб-қувватлашиб, ижобий ечим топди. Бу жуда катта имконият. Президентимизнинг бизга ишончи барчага шижоат, куч-ғайрат бағишлади. Энди ташаббус кўрсатиб, ишсизликка барҳам бериш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз.

Фаргона вилоятида фаолият кўрсатётган 13 та пахта-тўқимачилик кластери томонидан амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳалар пахта хомашёсини тўлиқ қайта ишлаш ва тайёр махсулот



сифатида экспортга йўналтириш имконини бермоқда. Натижада қалава ип, мато тўқиш ва бўяш, тайёр махсулот турларини яратиш йўлида истиқболли лойиҳалар ҳисобига қўллаб янги иш ўринлари очилапти, деҳқон-фермерлар манфаатдорлиги ошмоқда.

— Давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган учрашувда кластер усулида ишлашнинг қулайлик ва афзалликлари ҳақида гапирдим. — дейди Риштон туманидаги "Агроном Алиев" фермер хўжалиги раҳбари Нодира Алиева. — Илгари техника, минерал ўғит, ёнгилик, сув масаласини ҳал этиш анча оворгарчиликларга сабаб бўлган. Даладаги иш қўлиб, муаммоларни бартараф этиш билан банд бўлганмиз. Натижада ҳеч бир ишни вақтида амалга ошира олмадик. Ҳозир эса ҳамма шароит муҳайё. Фақат ишлаш керак. Қолаверса, пахта етиштириш ва сотишда давлат буюртмаси бекор қилинган ҳам катта имкониятлар яратди. Буюртма бекор қилинган, кластер билан тизимда шартномага кўра, пахтанинг бир тоннасини қарийб 10 миллион сўмдан сотдик. 43,4 гектар пахта майдонидан 50 центнерга етказиб ҳосил олдик. 20 гектар майдонда томчилатиб суғоришни

йўлга қўйдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, пахтачиликнинг ўзидан бир миллиард уч юз миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Бунинг ҳисобига янги техника воситалари харид қилдик, қўшимча ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиб, ўттиздан ортиқ иш ўрни яратдик. Бу яқин йиллардаги нисбатан минг чандон кўп. Эски усулда ишлаб, биримиз икки бўлмаган. Йил давомида далада захмат чекиб, қарға ботган кунларимиз бўлган. Учрашувдаги самимий мулоқот, фермер ва кластер хўжалиқларига билдирилган ишончдан руҳландик.

### Тадбиркор обрў-эътибор топмоқда

Қувасой шаҳрида sanoat тармоқларини ривожлантириш, тадбиркорлик йўналишларида янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга эътибор ортиб бормоқда. Эндиликда нафақат шаҳар марказлари, балки чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам замонавий ишлаб чиқариш корхоналари буй кўрсатиб, аҳоли бандлиги таъминланяпти.

"Art soft ceramics" корхонаси ана шундай истиқболли лойиҳалар сирасига кирди. Бу ерда йилга 3 миллион квадрат метр керамогранит махсулотлари тайёрланади. 300 нафардан ортиқ киши банд бўлган корхона тўлиқ маҳаллий хомашёда ишлайди. Бу юқори сифатга эга бўлган арзон, харидорлар махсулотлар тайёрлаш имконини бермоқда.

— Оддий тадбиркорнинг меҳнат ва изланишларини қадрлаб, корхонамизга таширф буюрган Президентимиздан чексиз миннатдоримиз, — дейди корхона раҳбари Қарамон Хусанов. — Янги лойиҳа учун умумий қиймати 20 миллион доллар сармоа киритиб, замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари олиб келганмиз. Махсулотларимизнинг асосий қисми Россия, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари лойиҳалар билан танишиб, асносида экспорт салмоғини ошириш, географиясини кенгайтириш, хориқлик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали янги иш ўринлари яратиш борасида

“ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН 38 МАҲАЛЛАДА 427,8 МИЛЛИАРД СЎМЛИК ОБОДОНЧИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ БАЖАРИЛДИ. ҲУДУДИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ҚОЙИЛГАН 5,9 ТРИЛЛИОН СЎМЛИК 1 МИНГ 121 ЛОЙИҲА ИШГА ТУШИРИЛИБ, 28 МИНГДАН ОРТИҚ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ОЧИЛДИ.

амалий тақлимлар берди, йўл-йўриқлар кўрсатди. Айниқса, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам беришга ҳаммаша тайёрлиги хусусида айтишга гапларидан куч олдик. Бу бизни янада руҳландирди, янги ғоя ва мақсадлар сари ухланди.

### Соғлом ва фаровон ҳаёт

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касаллик профилактикаси борасидаги лойиҳалар ҳар жабҳада буй кўрсатиб бормоқда.

Айниқса, тиббиётда хусусий секторга имконият берилгани рақобат ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Фаргона вилоятида бундай муассасалар сони 720 тага етди. "Meridian" тиббиёт маркази шундай муассасалардан бири.

Замонавий ускуналар, лаборатория, тахшис маркази, 120 ўринли мазкур стационар шифохона йилга 2 мингдан ортиқ жароҳли амалиёт ўтказиш қувватига эга. Марказ ҳузуридаги университетда 600 нафар талаба тиббий соҳада билим ва кўникмаларга эга бўлмоқда.

— Президентимизнинг клиникамизга ташрифи тиббиётга гамҳўрликнинг амалий намунаси. — дейди "Meridian" тиббиёт маркази раҳбари Нурулло Мамаасиддиқов. — Тизимни ислох қилиш, соҳага янги инновация ва технологияларни жалб этишга бўлган эътибор ошди, хусусий тиббиётга шароитлар яратилди. Биз шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, иш фаолиятимизни ташкил қилдик, тиббиётда кластер тизimini йўлга қўйдик. Давлатимиз раҳбарининг фаолиятимиз самарадорлигини ошириш юзасидан билдирган тақлим ва тавсиялари янада кўпроқ ишлаш, соғлом ва фаровон ҳаёт йўлида интилиш ва изланишга чорлайди.

### Жаҳон хунармандлари маркази

Буюк ипак йўлида жойлашган Марғилон бой тарихи, бетақор маданияти ва маърифати билан шўҳрат қозongan кўна кентлардан. Камалакда сержило атласлари, миллатимиз рамизи айланиб кетган қалампирмунчоқ дўппилари етти иклимга маълуму машҳур.

Бу ерда беағи ва тўқиш услуби бўйича бир-биридан фарқ қилувчи ўнлаб

турдаги ипак махсулотлар ишлаб чиқарилади. Гиламдўзлик, каштачилик, мискарлик сингари хунармандлик анъаналари асрлар давомида дунё ҳамжамиятини ўзига мафтун этиб келмоқда.

Хунармандлар шаҳрида иш бошлаган "Олтин ипак карвонсарой" сайёҳлик маркази бу борада янги имкониятлар эшигини очди. Мажмуада халқ хунармандлиги устaxonалари учун алоҳида жойлар қилинган. Бу ерга келган сайёҳ ва меҳмонлар миллий махсулотларни тайёрлаш жараёнини кузатиш ва бево-сита иштирок этиш имкониятига эга. Иккинчи қаватда қадимий услубда қурилган 30 ўринли меҳмонхона жойлашган. Бу бир вақтда яна юзлаб ёшларни иш билан таъминлаш, қадим шаҳарга сайёҳлар оқими кўпайтишига хизмат қилади.

— Хунармандликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз, — дейди "Олтин ипак карвонсарой" сайёҳлик маркази раҳбари, хунарманд Иброҳимжон Султонов. — Утган йили Марғилон "Жаҳон хунармандлари шаҳри" деган юксак мақомга сазовор бўлди. Бу хунармандларга катта масъулият юклайди. Янги мажмуа кўна юрт хунармандлик анъаналарини бор буй-баста билан кўрсатиб беришда муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари марказимизда бўлиб, миллий ўзлимиз ва ёшлар тарбиясига баҳоликдрат ҳисса қўшиб келаётган хунармандларга миннатдорлик билдирди. Бундай эътибор, иззат, ҳурмат барча фарғоналиклар қалбига қувонч ва шодлик олиб кирди.

Қадим шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида хунармандлик ривожланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Хунарманд олам гўзаллигини ҳис қилсагина, нафис ва беназир махсулот яратолади. Шу боис, Марғилон хунармандлик мактаби тарбияланувчилари гўзалликка ошурфта, ижодкор, тозақалб, меҳр-муҳаббатли бўлишга алоҳида эътибор қаратади.

Сирасини айтганда, фарғоналиклар улкан эзгу мақсадлар йўлида самарали меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг амалий ташрифи доирасида белгилаб берилган вазифалар тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш, ёшларни касб-хўнарга ўргатиш, таълим сифатини ошириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

## МУНОСАБАТ



Залина АБДУРАХИМОВА, Тошкент шаҳридаги "NOSIRXON-MUSLIM" МЧЖнинг ташқи савдо бўйича директори

Шундай вақтда ҳеч бир тадбиркор ўз ҳолича ташлаб қўйилмаётгани, етган зарар оқибатларини юмшатиш бўйича чоралар қўрилаётгани кўнгилмизни кўтарди. Давлатимиз раҳбари Наманган вилоятида тадбиркорлар билан учрашув чоғида ҳам қаттиқ совуқ оқибатларини бартараф этиб, бизнес фаолиятини тезроқ изга тушириш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири эканига алоҳида эътибор қаратди. Жорий йил 3 февраль кунини эса Президентимизнинг "Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодий таъсир

## ЕНГИЛЛИКЛАР ТАДБИРКОРЛАРГА МАДАД БЎЛАДИ

Бу йил юртимизда муайян муддат давом этган аномал совуқ ҳам аҳолини, ҳам тадбиркорлик субъектларини қийин аҳволга солгани бор гап. Газ, электр таъминотидаги узилтишлар сабаб қўллаб корхоналар ишлаб чиқаришни тўхтатишга мажбур бўлгани иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатди.

салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Шу каби қийин ҳолатлар, нуқул ай об-ҳаво шароитлари, қутилмаган ҳодисаларда давлатимиз раҳбари ишбилармон доира вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганига гувоҳ бўлиб келямиз. Юқоридаги қарорда ҳам бу жиҳатлар ўз аксини топган. Унга кўра, аномал совуқдан қийинчилик кўрган тадбиркорларга кредит, солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича енгилликлар берилмоқда.

Ҳақиқатан, аномал совуқ қўллаб корхоналарга жиддий зиён етказди. Бизнинг фаолиятимиз ҳам бундан мустасно эмас. Корхонамиз 2008 йилда ташкил этилган бўлиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 2015 йилдан кейин замонавий турдаги, рақобатбардор махсулотлар, хусусан, алюминий композит панеллар тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Бугунги кунда 2 хил қалинлик, 24 рангдаги ана шундай панеллар ишлаб чиқарилади. Йиллик махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллион квадрат метрга тенг.

Корхонамизда 50 нафардан ортиқ ишчи-мутажассис меҳнат қилади. Иш 2 сменада ташкил этилган. Жорий йил бошига қадар ишлар мунтазам давом этиб келди. Аммо январь ойидаги совуқ об-ҳаво натижасида алюминий композит панеллар ишлаб чиқарувчи ускуналаримиз асосий эҳтиёт қисмларнинг 6 таси музлаб қолиб, ишдан чиқди. Очиги, неча йилдан буён ишлаётган бўлсак, бундай ҳолатга илк бор гувоҳ бўлдик.

Жиддий зарарланиш сабаб ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатишга мажбур бўлдик. Биз учун ёмон томони — эҳтиёт қисм Хитойда ишлаб чиқарилади. Уни харид қилишга буюртма берганмиз, лекин ҳамкорларимиз янги эҳтиёт қисмларни 40 иш кунига тайёрлаб беришни билдирди. Махсулотнинг юртимизга етиб келиши ҳам маълум вақтни олади. Борди-ю, уни ҳаво йўли орқали олиб келишининг имкони қилinsa, товар хавфсиз ва тезроқ муддатда етиб келади.

Иш жараёни тўхтаб қолиши табиий равишда солиқ ва бошқа тўловлар кечикишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, иш даврида корхонада бир ойда 22 мингта алюминий композит панел ишлаб чиқарилган бўлса,



тайёр махсулотдан 670 миллион сўмдан ортиқ солик, 180 миллион сўмдан зиёд фойда солиғи ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўлаб келинган. Ҳозирги шароитда каммида 2-3 ой ана шу тўловларни тўлашга имконимиз бўлмайди. Шу боис, юқоридаги қарорда белгиланган енгилликлар бизга катта ёрдам бўлади.

Хусусан, қарор билан тадбиркорларнинг 2023 йил 1 январга нисбатан 1 февраль ҳолатига ошган (ҳосил бўлган) солиқ қарзини 2023 йил 1 мартдан 1 июлга қача фойзаларсиз, қўшимча шартлар қўймасдан ва таъминот талаб этмасдан тенг улуш-

ларда бўлиб-бўлиб тўлашга рўхсат берилгани, солиқ қарзига пеня ҳисоблаш 2023 йил 1 апрелгача тўхтатилгани корхоналар учун катта қулайлик.

Қолаверса, носоз ҳолга келган асосий воситаларни таъмирлаш учун ажратилган кредитлар бўйича кредит суммасининг 50 фоизгача, лекин умумий қиймати 2,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилик берилиши ҳам белгиланган. Мисол учун, бизнинг ишдан чиққан қурилмаимиз қиммат туради. Уни харид қилиш учун катта маблағ зарур. Шу боис, биз ушбу берилаётган

енгилликдан ҳам фойдаланишни режа-лаштирганмиз.

Аномал совуқ оқибатларини бартараф этиб олганимиздан кейин корхонамиз яна аввалгидек ишлашда давом этади. Бойси ҳар қандай шароитга қарамай, дунёда ривожланиш давом этапти. Хорижда, хусусан, мамлакатимизда баланд бино-шоотлар, бизнес уйлар, савдо майдонлари қад ростилапти. Демак, бу бозорда замонавий қурилиш материалларига эҳти-ёж катта. Биз ишлаб чиқарадиган алюминий композит панеллар эса қўллаб соҳалар, хусусан, автомобильлар, sanoat ишлаб чиқаришда ҳам кен қўлланилади.

Махсулотларимиз жаҳон стандартлари талабига жавоб бергани боис, 2021 йилдан бошлаб қўшни Қозғоистон, Тожикистон ва Қирғизистонга экспортни йўлга қўйганмиз. Утган йили экспортимиз қий-мати 500 минг доллардан ошди. Бунга, албатта, юртимизда экспорт соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор, тадбиркорларга яратиб берилаётган шароит, имтиёзлар йўли очмоқда. Қолаверса, жаҳон бозорига чиқишимизда турли ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон экспортчилари уюшмасининг ҳам кўмаги катта бўлмоқда.

Келгусида фаолиятимизни кенгайтириш бўйича қатор режаларимиз бор. Алюминий фолгани бўяш инновация техно-логиясини илға тушириб, импорт ўрнини босувчи хомашё ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Нуқул ай об-ҳаво шароити туфайли юзага келган қийинчиликларни эса қисқа вақтларда енгиб ўттишимизга ишонаман. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бундай шароитдан янада кучли бўлиб чиқамиз.

БУГУННИНГ ГАПИ

“ЗИЛЗИЛАНИ ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРИШ МУМКИНМИ, ДЕГАН САВОЛ ҲАР ДОИМ ДОЛЗАРБ БЎЛГАН. БУТУН БОШЛИ ИНСТИТУТЛАР НАЗАРИЙ ТОМОНДАН ШУҒУЛЛАНАДИ, ЛЕКИН УЛАР ҲАЛИ ҲАМ ЗИЛЗИЛАНИ ОЛДИНДАН АЙТИБ БЕРА ОЛМАЙДИ. АММО ИЛМИЙ ЖИҲАТДАН ШУҒУЛЛАНИШИМИЗ, ЎРГАНИШИМИЗ ШАРТ. ЧУНКИ БУГУН БЎЛМАСА, ЭРТАГА ЁКИ ИНДИН БУ БОРАДА БИРОР ЯНГИЛИККА ЭРИШИШГА УМИД ҚИЛАМИЗ.

хатловдан ўтказиб бўлинди. Уларга оид маълумотлар яхлит платформада йиғилган. Тез орада қолган 10 фоиз иншоот хатловдан тўлиқ ўтказиб бўлинади. Шундай қилиб, ҳар бир бинонинг ўз паспорти бўлади ва у ҳар беш йилда янгилашиши керак. Демак, ҳар беш йилда бино зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказилади.

Тегишли мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакат бўйича қарийб ҳар бир бинонинг ҳолати ўрганилиб, сейсмик хатарлилик харитаси тузилди. Бундан буён сейсмик харита янги

# СЕЙСМИК ФАОЛЛИКНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

Бошланиши 1-бетда

— Бугун Ер юзида глобал сейсмик фаоллик экстремал даражага чиққани айтилмоқда. Бу сайёрада янги зилзила ва вулқон ўчоқлари фаоллиги ошади, деганидир. Илмий жиҳатдан бу фаразлар қанчалик асосли?

— Бу ўринсиз ва асоссиз прогноз. Бундан 20-30 йил илгари интернет тармоқлари у қадар ривожланмаган эди. Дунёда бўлаётган табиий жараёнлар ҳозиргидек турлича талқин қилинмади. Интернет тармоғи ривожланиши мана шундай ўринсиз ваҳималарни келтириб чиқаради. Айни пайтдаги жараёнлар оддий, табиий ва одатдагидек юз бермоқда.

— Ўзбекистонда сейсмик зилзила хавфидан олдиндан огоҳлантирувчи тизим ишлаб чиқилгани?

— Зилзила бир неча сонияда юз беради. Шу пайтда электр, газ тармоғини дарҳол ўчириш, бинонинг хавфсиз нуктасида сақланиши ва бошқа зарур чора-тадбирлар ҳақида махсус кўрсатмалар



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

мавжуд. Аммо зилзила хавфидан барвақт огоҳлантирувчи тизим ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу тизимни йўлга қўйиш жуда катта саъй-ҳаракатни талаб қилади. Чунки ўрнатилган ускуналар, сейсмоприёмниклар, маълумотни қабул қилиб, ҳар бир ҳудудга етказиб берадиган мукамал тизим яратилиши зарур. Бунинг учун жуда катта маблағ ва вақт керак. Бу саъй-ҳаракат келажакда ўзини қанчалик оқлашини ҳам вақт кўрсатади.

Лекин бир фактни ишонч билан айтиш мумкин. Юртимизда 60 га яқин сейсмологик ва 30 га яқин пунклда магнит майдон ўзгаришини ўргатувчи станциялар ҳамда ер ости сув таркиби ўзгаришини тадқиқ қилувчи 20 дан ортиқ пункт мавжуд. Уша маълумотларга асосланган ҳолда ўз таҳлилларимизни бериб бораёلمиз. Хусусан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таркибидagi Республика сейсмопрогностик мониторинг маркази ва Сейсмология институти мутахассислари билан ҳамкорликда ҳар ҳафта бутун мамлакатимиз бўйлаб сейсмик прогноз пунктлардан доимий олинган маълумотлар таҳлил қилинади. Шу асосда Ўзбекистон бўйича сейсмик ҳолат мунтазам баҳолаб борилади. Бу жараён ҳар ҳафта пайшанба кuni амалга оширилади. Сўнгги пайшанбада Ўзбекистон ҳудудига 5 балдан юқори зилзила кутилмаяпти, деган прогноз

берилган. Агар прогноз бунинг аксини кўрсатса, дарҳол юқори ташкилотларга огоҳлантириш хати жўнатилади.

Ҳозир Сейсмология институтида қатор илмий изланишлар олиб бориляпти. Жумладан, махсус ускуналарни ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Зилзила юз берган ҳолатда ҳам унинг тўлиқни кейинги аҳоли пунктига етиб боргунча огоҳлантириш сигналларини жорий қилиш вазифаси турибди. Бу бўйича илмий тадқиқотлар қилияпти. Яқин беш йилда бу мақсадимиз рўёбга чиқади. Бунинг учун ҳамкор ташкилотлар, зарур анжомларни ишлаб чиқарадиган корхона ва албатта, салмоқли маблағ талаб этилади. Ниятимиз амалга ошса, табиий офат хавфидан тезкор огоҳлантирувчи ускуналар бутун мамлакатимизга тарқатилади. Бундай жиҳозларни ҳар бир маъмурий бино, хусусан, таълим-тарбия муассасаларида ўрнатиш керак. Японияда худди шундай тизим жорий қилинган.

Институтиимиз олимлари томонидан йирик шаҳарларнинг сейсмик микрорайонлаштирилган хариталари ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда бу ишлар жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда давом этмоқда. 2022 йилда Андижон, Наманган, Фарғона ҳамда Янги Андижон шаҳрининг сейсмик микрорайонлаштирилган хариталари

микросейсмик балларда ва чўкки тезланишларда ишлаб чиқилди. Бу хариталарда шаҳар худудининг қайси қисмида неча балл ва тезланишли силкиниш юзга келиши мумкинлиги акс этади. Силкинишларнинг микдори ва бошқа параметрлари келтирилади. Бино ва иншоотлар қурилишидан олдин айнан шу хариталарга асосан лойиҳалаштирилади. Мисол учун, бу йил Тошкент шаҳрининг қайси қисмида неча балли силкиниш юзга келиши мумкинлиги ҳам харитада акс этирилади. Қурилиш, лойиҳалаш ташкилотлари айнан шунга кўра лойиҳалаш ишларини бажаради. Менимча, ҳозиргача қурилган янги иншоотлар мана шу мезонлар асосида барпо этилган ҳамда харитада кўрсатилган балли силкинишга бардош беради.

— Сейсмологлар зилзила хавфини замонавий математик моделлар орқали прогноз қила олиши мумкинми?

— Ҳозир сунъий интеллектни жалб қилиш орқали кўп соҳаларда муваффақиятга эришилмоқда. Жумладан, сейсмик хавфни баҳолашда ҳам фойдаланилмоқда. Умуман, математик моделлаштириш кенг қўлланади. Аммо мақсадли айрим йўналишларда, яъни зилзилани прогноз қилишда математик модел иш бермайди. Чунки биринчи зилзила ҳеч қачон иккинчисига ўхшамайди. Биринчидан, уларнинг келиб чиқиш механизми ҳар хил бўлади. Жойларнинг геологик тузилиши бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли ер силкиниши ҳолатлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Жараённинг вужудга келиши, тузилиши ҳар хил бўлганидан кейин ундан кутилаётган оқибатлар ҳам турлича бўлади. Ҳозирги математик моделлар бутун ер юзида жамланган тажрибанинг умумлашмаси асосида тузилган. У айрим конкрет ҳолларда иш бермаслиги мумкин. Баъзи ҳолларда эса наф беради. Лекин жараён шунчалик мураккаб, бу модел дунё миқёсида ҳали иш берган, деб бааралла айта олмаёмиз.

Зилзилани олдиндан айтиб бериш мумкинми, деган савол ҳар доим долзарб бўлган. Бутун бошли институтлар назарий томондан шугулланади, лекин улар ҳали ҳам зилзилани олдиндан айтиб бера олмайди. Аммо илмий жиҳатдан шуғулланишимиз, ўрганишимиз шарт. Чунки бугун бўлмаса, эртага ёки индин бу борада бирор янгиликка эришишга умид қиламиз.

Зилзилани прогноз қилиш асримиз илм-фаннинг муаммоси. Бутун дунё олимлари шу соҳада тадқиқотлар олиб бораёпти. Лекин бунинг урдасидан ҳали чиқилгани йўқ. Тўғри, узоқ муддатли — 10 ва ундан ортиқ йилларда содир бўлиши кутилаётган, ўрта — бир йил давомида юз бериши эҳтимолдаги ва қисқа муддатли — бир ой ичида кузатиладиган зилзилалар дарақчилари мавжуд. Бизнинг прогноз ҳайъатимиз, асосан, қисқа ва ўрта муддатли зилзилаларни прогноз қилиш билан шуғулланади. Аммо барибир ер силкинишини олдиндан айтиш мушкул. Бу жуда қийин ва кўп омилга таянадиган масала. Шу боис, ер қарғини ўрганишимиз, илмий ва амалий тадқиқотлар қилишимиз керак. Одатда зилзиланинг ҳосил бўлиш нуктаси 10-25 километр чуқурликда бўлади.

— Мамлакатимизнинг марказий шаҳарларида барпо этилаётган янги иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича кенг қамровли профессионал хатловлар ўтказилаётими?

— Вазирлик Маҳкамасининг 2021 йил 30 июндаги “Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини баҳолаш ҳамда электрон техник паспортларни шакллантириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, мамлакатимиздаги мавжуд қаватли янги бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли уй-жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур маълумотларни назарда тутувчи электрон техник хатлов ўтказилиши керак. Утган йили Ўзбекистон бўйича ижтимоий объектлар (мактаб, боғча, шифохоналар)да бу иш бажарилди. Текширувларда бир неча юзлаб бинонинг сейсмик бардошлиги заиф экани аниқланди. Уларни қайта таъмирлаш, кўп қаватли уй-жойларнинг конструктив тизими, қурилиш майдонининг сейсмик даражаси, юк кўтарувчи конструкциялар материалларининг мустаҳкамлик кўрсаткичини ошириш масалалари кўтарилди. Айни пайтда ҳам бу ишлар давом этмоқда.

Маъмур қарор асосида мамлакатимиз бўйича нормативлар асосида қурилган бино ва иншоотларни тўлиқ хатловдан ўтказиш белгиланган. Бу хатлов ҳозир электронлашган техник паспорт дейилади. Тегишли текширувдан ўтказилганидан кейин ҳар бир бинонинг паспорти тузилади. Паспортдан иншоотнинг зилзилага таъсирчанлиги, бузилиши ёки сақланиши ҳақида кўрсатмалар ўрин олади. Шу пайтгача юртимиздаги маъмурий ва ижтимоий биноларнинг 90 фоизи тўлиқ

маълумотлар билан такомиллаша боради. Бу ишларнинг барчаси, албатта, қонунийлик билан тартибга солинган. Ҳар бир бино қурилгандан кейин эксплуатацияга топширилаётган пайтда зилзилабардошлик бўйича техник кўриқдан ўтказилади. Шундан кейин фойдаланиш учун қабул қилинади ёки сотувга қўйилади.

— Содир бўлган зилзилаларнинг Ўзбекистонга таъсири қандай?

— Ўрта ер денгизи Осиё сейсмик камарига мансуб жой. Туркия ҳам, Ўзбекистон ҳам шу камарга қиради. Бироқ уларнинг бир-бирига тўғридан-тўғри боғлиқлиги йўқ. Ер қобиғи бўлак тузилишига эгалиги сабаб Туркияда юз берган зилзиланинг таъсири Ўзбекистон ҳудудига сезилмайди. Аслида, ер қимирлашининг сабаби унинг қобиғидagi тектоник ёриқлар бўйича плиталар ҳаракатида боғлиқ. Тектоник плиталарнинг ҳаракат йўналиши ҳар хил бўлгани туфайли ўзаро тўқнашуви натижасида ер қарийда қучлаш вужудга келади. Натيجида қайсибир плитада қучлаши кўпайиб, ернинг ёрилишига сабаб бўлади. Ер ёрилишидан пайдо бўлган қайшиқоқ тўққинлар зилзилани содир қилади. Туркияда юз берган зилзила Ҳиндистон, Австралия метасфераси билан Арабистон плитаси ва шимолдан Евроосиё плитасининг ўзаро тўқнашуви жараёнида ҳосил бўлган. Бу умумий глобал фоллашув даврида намоён бўлаётган ҳолат, аммо бири иккинчисига тўғридан-тўғри таъсир қилмайди.

Зилзиланинг кучи чуқурлигига боғлиқ, Тинч океани ҳалқасида 7-8 балл атрофидаги кучли зилзилалар тез-тез руй беради. Лекин уларнинг чуқурлиги 150-200, ҳатто 720 километргача боради. Бироқ ер юзига чиққанидан кейин таъсири камайди. Шу сабаб бундай зилзилалар ер юзасида унча талафот келтирмайди. Бизнинг ҳудудда зилзиланинг чуқурлиги 15-20 километр бўлади. Шу сабаб ер қимирлаши сезилади.

Юз берган зилзиланинг Ўзбекистонгача етиб келган тўққини жуда катта ҳажмли ускуналар ёрдамда кайд қилинди. Одамлар деярли сезмади. Бу ерга келган тўққинлар амалий аҳамиятга эга ҳам эмас. Чунки Ўзбекистон ҳудудига ҳар кун 2,5-3 балли заиф зилзилалар 30-40 мартагача содир бўлиб туради.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## БИНОЛАР ЗИЛЗИЛАБАРДОШЛИГИ

### У қай мезонлар асосида аниқланади?

Шу йил 6 февраль тонгида бошланиб, Туркия ва дунёнинг бошқа қатор давлатларида давом этган зилзила барчамизни бирдек сергак торттирди, хушёрликка чорлади. Унинг талафотлари кўлами мамлакатлар қанчалик ривожланган бўлмасин, барибир табиат ҳодисалари олдида қайсибир маънода ожиз эканини кўрсатди. Сўнгги маълумотларга кўра, биргина Туркияда зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар 4 минг нафардан ошди, қарийб 27 минг киши жабрланган. Шунингдек, ер силкиниши оқибатида 5 минг 600 дан ортиқ бино вайрон бўлгани аниқланган.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги хабарига кўра, ҳалок бўлганлар орасида бир нафар юртдошимиз бор. Бундан ташқари, ўн уч нафар ҳамюртимиз бедарак йўқолган. Уларни топшиш бўйича тезкор қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, дунёда юз берадиган турли табиий офатлар одамларни ўзига хос синовдан ўтказиб туради. Уларни қилаётган ишларини янада пишиқ-пухта режалаштиришга, оқибатларни ўйлашга мажбур қилади. Бу, айниқса, қурилатган бино-иншоотлар хавфсизлиги, зилзилабардошлиги масаласида долзарб аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, бугун аксариятимизни турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, умуман, қурилиш жараёни қайси мезонлар асосида олиб борилади, деган саволлар қизиқтирмоқда. Шунингдек, қурилиш тартиб-тамоийли қандай ҳужжатларга таяниши ҳам бугунги куннинг долзарб саволларидан бири бўлиб турибди. Мана шундай саволларга жавоб олиш мақсадида мутасаддиларга мурожаат қилдик.

— Бошқа давлатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам бу масалага жиддий ёндашилади, — дейди Қурилиш ва

уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Давронжон Одилов. — Умуман, мамлакатимизда хавфсизлик масалаларига лойиҳаолди жараёнидаёқ эътибор қаратилади. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ф.О.Мавлонов номидаги Сейсмология институти томонидан махсус харита ёрдамида худуднинг зилзилабардошлиги аниқланади. Бу сейсмиканинг бошланиши — зилзилабардошлик деган тушунча шу ердан пайдо бўлади. Яъни худуднинг зилзилабардошлиги ўрганилиб, бу борада тахис қўйилади.

Кейинги босқич лойиҳа ишларининг бошланиши ҳисобланади, буни лойиҳаолди жараёни дейиш ҳам мумкин. Бунда лойиҳачига буюртмачи томонидан тақдим қилиниши шарт бўлган ҳужжатлар бор. Уларнинг ичига лойиҳа худудининг геология-муҳандислик ҳулосаси ва топохаритаси қиради. Бу иш билан шуғулланувчи ваколатли орган “Ўзгаш-ЛИТИ” институтидир. Бугунги кунда бу ишлар хусусий сектор томонидан ҳам бажариб келинмоқда. Булар — зилзилабардошликнинг лойиҳаолди ишлари.

Бундан кейин лойиҳа жараёнига киришилади. Бунда Қурилиш ва уй-жой

коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан доимий равишда илмий-амалий ишлар олиб борадиган Қурилиш меъёрий қоидалари (ҚМҚ)га асосан, лойиҳачи лойиҳаолди ҳужжатларини буюртмачидан тўлиқ қабул қилиб олганидан кейин лойиҳа ишларини бошлайди. Сейсмик параметрлар бўйича лойиҳачининг зилзилабардошлик қисмига лойиҳа бош архитектори ва лойиҳа бош муҳандиси асосий жавобгар ҳисобланади. Асосий иш лойиҳа бош муҳандисининг масъулиятида туради ва у лойиҳа ишларини якунлагандан кейин экспертизага топширади. Давлат органи ҳисобланган экспертиза Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурда фаолият юритади.

Шунингдек, экспертиза ҳулосасини хусусий фирмалар ҳам беради ва бу каби тадбиркорлик субъектлари

вазирлик томонидан аккредитация қилинади. Албатта, экспертизанинг мажбурий томонлари мавжуд. Шуларнинг энг асосийси объектнинг зилзилага чидамлилигидир. Молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча объектлар мазкур кўрсаткич бўйича экспертизадан ўтиши мажбурий. Экспертизадан ижобий ҳулосага эга бўлган объектларда Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси хабарномаси билан қурилиш ишларига киришилади. Уша кундан бошлаб объектида зилзилабардошлик, ёнғин хавфсизлиги, энергия тежамкорлик каби Ўзбекистонда бажарилиши мажбурий бўлган талаб ва стандартлар Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси ҳамда лойиҳа муаллифи томонидан давомли равишда назорат қилиб борилади.



Объект барпо этилиб, ўрнатилган тартибда фойдаланишга топширилгандан кейин эксплуатация органи томонидан назорат ишлари амалга оширилади.

Туркиядаги зилзила оқибатлари, бинолар қулаши соҳа вақиларига катта сабоқ бўлади, албатта. Бу бизда бундай ҳолатлар руй бермаслиги учун қандай чоралар қўрилмоқда, деган саволни ҳам юзга чиқаради. Бугунги кунда мамлакатимизда бу борадаги мажбурий талаблар бино-иншоотлар кафолатини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Яъни бунда давлат биноларни фойдаланишга топширилгунга қадар сейсмик жиҳатдан мажбурий таъмирлаш жараёни ҳам бунда муҳим аҳамият касб этади.

#### Уй-жойлардан қанча муддат фойдаланиш мумкин?

“Қишлоқ қурилиш лойиҳа” бош лойиҳа-қидирув институти бош конструктори Шерзод Одиловнинг айтишича, мамлакатимизда мавжуд

тартиб-қоидага кўра, бино-иншоотларнинг хизмат муддатини фойдаланиш турларига қараб буюртмачининг ўзи танлайди. Жумладан, турар жойлар кўп қаватли ва бир қаватли уйларга ажратилади. Кўп қаватли уйларнинг фойдаланиш муддати 70-80 йил этиб олинган. Агар шу муддат ичида худудда давлат аҳамиятига эга объект тушмайдиган бўлса, иморат техник кўриқдан ўтказилиб, сейсмик ҳолатига берилган баҳо асосида фойдаланиш муддати узайтирилиши мумкин.


Шифохоналардан фойдаланиш муддати эса 150-200 йилгача ташиқил қилади. Бунинг сабаби барчага тушунарли, улар турли табиий офатларда биринчи мурожаат қилинадиган манзилдир. Иссиқлик ва энергия таъминоти каби бинолар 500 йилгача хизмат қилиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳалаш жараёнида ушбу омиллар инобатга олинади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 582 ЙИЛЛИГИ

НАВОЙИДАН УЗОҚЛАШГАН  
АВЛОД БИЗДАН ЭМАС...



“Бобо, диловар йигит қандай бўлади?”

Биз тенги авлоднинг болалик хотираларида “Алишер Навоий” видеофильми катта ўрин тутди. Қиш оқшомлари барчамиз сандал атрофида тулпаниб, кечки овқатга ҳозирланган чоғда телевизор кўришни хуш кўрмайдиган бобом видеофильм бўлиши ёдига тушиб, шошганча “Телевизорни тезроқ ёқинглар, Навоий бобомиз ҳақидаги фильмни кўришимиз керак”, дерди. Шундай талабчан, қаттиққўл бобомизнинг бу иштиёқи бизга ҳам кўтаринки кайфият бағишлар, видеофильмни диққат билан томоша қилар эканмики, дадам унда тасвирланган ҳар бир воқеани, узаро суҳбат ва тарихий маълумотларни таҳлил қилиб, ҳар биримизни мулоҳаза юритишга ундар эди.

Шундай кезларда Турсуннони бобомизнинг авлод Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ижросидаги фильмларни кўриб, Ҳазрат Навоийни ушалар тимсолида таниб, катта бўлган. Мана, бугун сизлар Навоий бобомизни Ёқуб Аҳмедов талқинида тасаввур қиласиз, яхши кўряписиз”, дея бот-бот таъкидлаган. Чиндан ҳам, биз фильмдаги Алишер Навоийнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, гап-сузларидан сабоқ олар эдик. Айниқса, видеофильмдаги бир лавҳа хотирамда муҳрабни қолган. Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина (актёр Рихисовий Авазов) дўстлари билан суҳбатлашиб ўтирганида, беш ёшли ўғли (актёр Дониёр Содиков) салом бериб кириб келади. Шунда отасининг дўстларидан бири Алишерга “Ўғлим, диловарли машқларинг нечук? Отни севармусен, Алишербек?” дея савол беради. “Эмон эрмас, отни ҳам кўп севармен, лекин фикр тулпори ҳар қандай отдан тезроқ кўринур”, дейди зукко бола. “Диловар йигит ҳар мақсадга етгусидир”, дея таҳсин ўқийди меҳмонлардан бири. Шунда укам “Бобо, диловар йигит қандай бўлади?” дея савол бергани эсимда. Бобом бир оз ўйланга, қатъият билан “Диловар йигит миллати, Ватани, оиласи учун ҳар не синовга, машаққатга тайёр шерирамд, баҳоидир, жасур йигитдир”, деди.



Менга эса кичик Алишербекнинг “Фикр тулпори ҳар қандай отдан тезроқ кўринадир”, деган гаплари жуда ёққан. Шундан сўнг Ойбекнинг “Навоий” романини мактабимизда кутубхонасида топиб ўқиганим, бу асарга махлӣ бўлиб кутубхонада анча вақт қолиб кетганим ва ўқитувчиларимдан дақиқ оштанганим ҳам эсимда.

Видеофильмдаги ёдимизда қолган яна бир лавҳа ёш Алишернинг бобоси (актёр Фаизулла Аҳмедов) билан суҳбати эди. Видеофильмни кўраётганда укамнинг қувлиги тутиб, “Бобо, Алишердан ўрнак олинглар, шу ёшида ўқиган китоблари, ёзган шеърлари, форс тилидан қилган таржималарини кўриб ақлим шодади, дейсиз. Алишернинг бобоси доим набираси билан мушоира қилгани, най сасиб, қуялар чалиб беради”, деди. Бобом индамай қулиб қўйди. Дадам ва бобом ҳар ҳафта жума кунини Кўқондаги жоме масжидга борар эди. Бу сафар борганларимда ёздорга кириб, роса най излабди. Тополмасдан, миттигина доирачалар харид қилибди. Тушлик пайти бобом ўйна келиб ҳар биримизга хўрозқанд, сочхўла, нўхатшўрак ва бир жуфт доирача берганида жуда хурсанд бўлиб кетган эдик.

Энди мулоҳаза юритсак, ёдимизда қолган шу лавҳаларнинг барчаси фильмнинг биргина қисмидан ўрин олган экан. Чиндан ҳам, ушбу фильмдан олган сабоқларимизга ҳаётимизга узгача янгилик ва ёруғликлар олиб кирган. Ҳар сафар қайсидир ҳақиқатни англаганимизда бобом ўта жиддийлик билан “Мутафаккир бобомизни кўп-кўп ўқийшимиз керак. Алишер Навоийдан узоқлашган авлод биздан эмас!” дегани ҳалигача

қулоғим остида жаранглайди. Ҳозир-чи? Бизнинг болаларимиз — бугунги авлод қалбига мутафаккир бобомиз сабоқлари, ҳикматлари катта эканлар, телеканаллар орқали тез-тез ташриф буюряптими? Ахир улар, асосан, ижтимоий тармоқларда сайр қилишади-ку... Балки уларнинг диққатини жалб қиладиган янги тарбия усулларини ўйлаб топишимиз керакдир... Нега кейинги пайтда режиссёрлару сценарийнавислар Алишер Навоий ҳақидаги фильмларга камроқ мурожаат қилмоқда? Буюк мутафаккир образини яратиш ижодкордан қандай масъулият талаб қилади? Иzzат Султон ва Уйғун Ёзган драма голяри бугунги кун талабига қай даражада жавоб беради?

Бу саволлар атрофидаги мулоҳазалар сизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

“Шу бир ижро учун келдим ҳаётга!”

1982 йили ўзбек томошабинларига атоқли ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Навоий” романи ҳамда Мақсуд Юнусовнинг сценарийси асосида ва режиссёрликда суратга олинган “Навоий” видеофильми тақдим этилди. Ушбу кўп қисмли сериалда Алишер Навоий образини Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов гавдалантирди. Шунингдек, видеофильмда Зикр Мухаммаджонов, Тўйчи Орипов, Пулат Саидқосимов, Эркин Комилов, Маҳмуд Дўстматов, Машраб Юнусов, Ҳожиакбар Нурматов каби кино ва театр даргалари роль ижро этган. Фильм ўзбек кинематографиясининг олтин фондидан жой олган. Бугунги кунда кўлаб ижодкорларнинг устозига айланган санъаткор Ёқуб Аҳмедовдан айнаи фильм билан боғлиқ хотираларини айтиб беришини сўрадик.

— Биласизми, театр дунёсига кўйган илк қадамим ҳам Алишер Навоий номиди! Ҳаманган театрдан бошланган. Махалламизда яшовчи ҳофиз акаларимиз ўша театрда ишлар, биз, болалар уларга жуда катта эҳтиром ва ҳавас билан қарар эдик.



— 1981 йилда Мақсуд Юнусов режиссёрлигида суратга олиниши режалаштирилган “Алишер Навоий” видеофильми учун танлов эълон қилинди, — дейди Ёқуб Аҳмедов. — Ушбу ишонган актёр борки, бу улғу инсон образини яратишни орозу қилиши табиий. Мен ҳам ушбу танловга астойдил тайёрландим. 1959 йилдан бери Миллий театрда ишлаб келаётганим боис, устоз санъаткорлар — Тўла Хўжаев, Аброр Ҳидоят, Олим Хўжаев, Сора Эшонтураева, Зикр Мухаммаджоновдан сабоқ олишга улгурган эдим. Олим Хўжаев, айниқса, ҳар соҳада менга устоз эди: юриш-туриши, кўриниши, кийиниши, муомаласи, энг асосийси, моҳир актёрлиги. “Алишер Навоий” спектаклида бирга роль ижро этганимизда ўзини худди ўзга оламга, тарихимизнинг сирли ўшаларига тушиб қолгандек ҳис қилганман. Улғу шоиримизнинг устозим ижросидаги образини ўзини вуқудим билан қузатар, ижродаги бўғун англамай қолган жиҳатларни аниқлаштирмагангича устозни ҳоли жонига қўймак эдим.

Нихоят, истеъдодли актёр Ёқуб Аҳмедов Алишер Навоий образига тасдиқлангани ҳақида хабар келади. Шу кундан бошлаб ижодкорнинг ҳаяжони янада кўпаяди. “Қанидди, агар Навоий бобомизнинг макбараси юртимизда бўлса, ҳар кунни зиёрат қилар эдим”, дейди устози Олим Хўжаева. “Сен дуо қил, Аллоҳдан сўра, Навоий Ҳазратлари авлиё инсон бўлган. Чин ихлос билан шундай образ яратгинки, шу бир ижро учун келдим ҳаётга, дея фахр билан келгуси авлодга айта олинг”, дейди устоз ва сеvimли шоиримизга оқ фотиҳа беради.

— Ҳозирги пайтда режиссёрларимиз ва драматургларимиз Алишер Навоий ҳақидаги асарларга ва мутафаккир бобомизнинг ижодига камроқ мурожаат қилляпти, деган фикрларга кўшилман, — дейди Ёқуб Аҳмедов. — Ҳазрат ҳақидаги асарларга кўпроқ мурожаат қилишимиз керак. Бу улғу инсоннинг голяри хамиша ёдимизда, қалбимизда бўлиши зарур. Бир ижодкор сифатида устоз санъаткорларимиз Олим Хўжаева, Аброр Ҳидоят, Раззоқ Ҳамроев катори улғу бад меъна ҳам насиб этгани учун ҳаётимдан розиман!

Драматурглар, уйғонинг: қачон Гули афсонасига барҳам берилади?

1947 йили Ҳамза театрида (ҳозирги Миллий театр) Иzzат Султон ва Уйғун сценарийси асосида режиссёр Маннон Уйғур “Алишер Навоий” спектаклини сахналаштиради.

“Алишер Навоий” драматизи икки ҳамкор муаллифнинггина эмас, академик театр, қолаверса, умумўзбек саҳна санъати, унинг муҳлислари баҳти ва қувончи, умрбоқий мумтоз томошаси бўлиб қолди. Ундаги Алишер Навоий ва Гулининг диалог ва монологлари Ҳамлетнинг “Ё ўғлиш, ё қолиш”, Отеллоннинг “Қорамани мен?”, “Сорлоқчининг” монологлари сингари, балки улардан-да бошқачароқ таъсир кучи билан санақсиз муҳлислар дилларидан жой олди. Тилдан-тилга кўчиб, ёд бўлиб кетди. Ана шу ёд бўлиб кетишининг сабаби асар боқийлигининг таъсир кучида эди. Мазкур синаот томошабин, ўқувчи, айниқса, ижрочиларга Навоий нафаси, унинг шеърини таҳлил қилиш, меҳр-оқибат, саховат деб номланган фазилатларнинг қадрланмай қўйилгани авазига кўлайиб бермоқда. 2021 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи нашр этилди. Уни ўқиб чиқиб, ёзувчи асарни ёзишдан олдин жуда кўп манбаларни ўргангани, мутафаккир бо-

Навоий бобомизнинг ҳаёти қарашлари, мезонлари, асл эътиқоди борасида бутунлай бошқача фикрлайди, мулоҳаза юритади.

Киношунос Ҳамидулла Акбаровнинг адабиётшунос ва драматург Иzzат Султон билан “Олим заковати, драматург маҳорати” суҳбатига бундай савол бор: “Иzzат Отанонович, сиз тилга олган севгилисидан ажралган шоирнинг бадарга этилиши, “зада бўлган қушлардек саройни тарқ этган дўстлар”, икки тарихий шахс ўртасидаги конфликт ривож топиб бориши, асарининг финал қисмида шоир саройини, Султон Хусайини тарқ этиши тарихий ҳақиқатга зид эмасми? Уша кўринишлар ўтган асрнинг 40-йилларида ҳукм сурган мафкура таъсирида, таъйик остида ёзилганми?” Ушбу саволга Иzzат Султон: “Таъйик ҳам бўлган. “Навоий” сценарийси муҳкамасига партия органлари “ишончли вакиллари”ни юбориб, “Навоийдан айб топинг”, “Султон Хусайин билан шоир Навоий адоватда бўлганини қуратиш”, деган талабларни ҳам қўйган. Бизга Бобур таърифи ёрдам бергандек кўринган эди. “Бобурома” муаллифи Хусайин Бойқаронинг кайф-сафога берилганини қайд этгани маълум”.

Суҳбатдан кўриниб турибдики, Гули ва Навоий ўртасидаги муҳаббат ва ушбу муҳаббат туфайли Алишер Навоийнинг бу дунёдан тоқ ўтиши Иzzат Султон ва Уйғуннинг тўқимаси махсули бўлган. Минг афсуслас, орадан етмиш олти йил ўтганига, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича янгидан-яни тадқиқотлар қилганига қарамай, ҳалиям ўзбек драматургиясида ҳақиқий маълумотларга асосланган драма яратилмади.

Шу боис бўлса керак, 2016 йилда Ўзбек Миллий академик драма театрида “Алишер Навоий” спектакли Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат қилган санъат арбоби, режиссёр Рустам Ҳамидов томонидан Иzzат Султон ва Уйғун драматизи асосида қўйилди. Ушбу спектаклда Алишер Навоий образини истеъдодли актёр Беход Мухаммаджонов, Гули образини эса Қоракалпоғистонда хизмат қилган артист Дилноза Кубаева маҳорат билан ижро этган. Бироқ Алишер Навоий ижодини бугун узгача ёндашув ва маълумотларга кўра ўрганаётган бугунги авлодни ушбу спектакль билан қаноатлантириб бўлармикан?

— Театримиз ижодкорлари “Алишер Навоий” спектаклига, аддасамасам, етти ёки саккиз марта мурожаат қилган, — дейди режиссёр Рустам Ҳамидов. — Маннон Уйғур уни сахналаштирганидан бери театримизнинг шу кунгача бўлган авлодларининг энг машҳур актёрлари роль ижро этган. Яъни ушбу спектакль орқали жуда катта маҳорат мактаби бунёд бўлди. Яхши томонларини ҳам айтиб ўтишимиз керак, тўғрими? Энди эътирозингизга келадиган бўлсак, 2016 йилда “Алишер Навоий” спектаклини мен ҳам янгича қарашлар ва маълумотлар асосида сахналаштиришга бел боғлаган эдим.

Лекин ўша пайтда театримиз бадийи кенгаша топширилган 5-6 та янги драматизини ҳеч қайси бири талабимизга жавоб беради. Ва... биз яна Иzzат Султон ва Уйғун драматизи устида иш олиб боришга қарор қилганми. Алишер Навоий асарларига, унинг ҳаёти ва ижоди борасидаги ибратли воқеалиқларга қайта-қайта мурожаат қилишимиз жуда зарур. Узингиз қуриб турибсиз, айни пайтда дунёдаги талатўллар, келишмовчиликлар — барча-барчаси тинчлик, меҳр-оқибат, саховат деб номланган фазилатларнинг қадрланмай қўйилгани авазига кўлайиб бермоқда. 2021 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султоннинг “Алишер Навоий” романи нашр этилди. Уни ўқиб чиқиб, ёзувчи асарни ёзишдан олдин жуда кўп манбаларни ўргангани, мутафаккир бо-

бомиз ҳақидаги кўлаб тушунмовчиликларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилганидан хурсанд бўлдим. Қанийди, худди шу роман каби драматургияда ҳам бугунги авлоднинг маънавий эҳтиёжини, талабини қондирадиган бир драма яратилса... Мен ўзим бажонидил биринчилардан бўлиб сахналаштирган бўлар эдим.

**“1982 йили ЎЗБЕК ТОМОШАБИНЛАРИГА АТОҚЛИ ЁЗУВЧИ МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ ОЙБЕКНИНГ “НАВОЙИ” РОМАНИ ҲАМДА МАҚСУД ЮНУСОВНИНГ СЦЕНАРИЙСИ АСОСИДА ВА РЕЖИССЁРЛИГИДА СУРАТГА ОЛИНГАН “НАВОЙИ” ВИДЕОФИЛЬМИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ. УШБУ КЎП ҚИСМЛИ СЕРИАЛДА АЛИШЕР НАВОЙИ ОБРАЗИНИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ЁҚУБ АҲМЕДОВ ГАВДАЛАНТИРДИ.**

“Адабиётшуносларнинг янги қарашларига ўрин бердик”

2021 йилда Кинематография агентлиги буюртмаси асосида “Халқ юраги” туркумига кирувчи “Алишер Навоий” ҳужжатли тарихий фильм суратга олинди. Ушбу фильм Алишер Навоий шахсига бўлган қарашларнинг янги таъкиди асосида ишлангани билан диққатимизни тортиди. Унда тарихий-бадий реконструкциялар, компьютер графикаси ҳамда Алишер Навоий номидида Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети вакиллари — навоийшунос олимларнинг интервьюларидан фойдаланилган.

— “Алишер Навоий” ҳужжатли фильмининг илмий маслаҳатчиларимиз — филология фанлари докторлари — Шўхрат Сирождидинов, Дилнавоз Юсупова, Каромат Муллажўраевлар билан ҳамкорликда ёздик, — дейди сценарий муаллифи Фуқрат Усмонов. — Шўхрат Сирождидинов Алишер Навоийнинг Хусайин Бойқаро билан узаро муносабатлари собиқ шўролар даврида, ҳукмрон мафкура таъсирида қандай талқин қилинганини, аслида, тарихий манбаларда қандай маълумотлар келтирилганини тўғрисида сўзлаб берди. Дилнавоз Юсупова билан Алишер Навоийнинг муҳаббат, мансаб, дунё ҳавасларига бўлган муносабати борасида кўлаб суҳбатлар қилдик ва сценарий учун ниҳоятда қимматли маълумотлар эдик. Бизни кўлаб янги манбалардан хабардор этиб, биргаликда таҳлиллар олиб боргани, ижодий жамоамиз билан фильм устида астойдил излангани, меҳнат қилгани учун олимларимизга ижодий гуруҳ номидан миннатдорлик билдиришимиз керак. Каромат Муллажўраева эса Алишер Навоий асарларидаги “ёр” талқини бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, оλίма бундай деди: “Навоий асарлари мазмун-моҳиятини ташкил этган ишқини мукамал тушуниш учун уни тўлиқ ўқиш керак. Шоирнинг асарлари тизимли адабий олам. Ундаги бир масалани тушуниш учун иккинчиси мурожаат қилиш ва учинчиси асосли шарҳ топиш мумкин. Шоир бир достонда “Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун”, деган бўлса, бошқасида “Й ишқ, ғариб кимёсан...”, каби фикрларни баён этади. “Маҳбуб ул-қулуб”да ишққа мукамал таъриф бериб, унинг даражаларини кўрсатади. Булар Навоийнинг бошдан-оёқ ишқ сирларига қўйилган минглаб газалларини тушунишда бир очкич вази-фасини ўташи мумкин”.

Суҳбатдан кўриниб турибдики, Гули ва Навоий ўртасидаги муҳаббат ва ушбу муҳаббат туфайли Алишер Навоийнинг бу дунёдан тоқ ўтиши Иzzат Султон ва Уйғуннинг тўқимаси махсули бўлган. Минг афсуслас, орадан етмиш олти йил ўтганига, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бўйича янгидан-яни тадқиқотлар қилганига қарамай, ҳалиям ўзбек драматургиясида ҳақиқий маълумотларга асосланган драма яратилмади.

Шу боис бўлса керак, 2016 йилда Ўзбек Миллий академик драма театрида “Алишер Навоий” спектакли Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистонда хизмат қилган санъат арбоби, режиссёр Рустам Ҳамидов томонидан Иzzат Султон ва Уйғун драматизи асосида қўйилди. Ушбу спектаклда Алишер Навоий образини истеъдодли актёр Беход Мухаммаджонов, Гули образини эса Қоракалпоғистонда хизмат қилган артист Дилноза Кубаева маҳорат билан ижро этган. Бироқ Алишер Навоий ижодини бугун узгача ёндашув ва маълумотларга кўра ўрганаётган бугунги авлодни ушбу спектакль билан қаноатлантириб бўлармикан?

Жаҳон киноси тарихида янгилик бўлиши кутилаётган фильм

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2021 йил 10-11 июнь кунлари Тожикистон таърифи давомида икки давлат киножодкорлари ҳамкорлигида “Жомий ва Навоий” тарихий-бадийи фильмни яратиш ҳақида таклиф берган ва бу Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон томонидан қўлаб-қувватланган эди.

Кинолойҳани амалга ошириш бўйича ҳар икки давлат киножодкорлари, адабиётшунос ва тарихчи олимлари бир неча бор онлайн ва юзма-юз музокаралар ўтказди. Ўзбекистон Кинематография агентлиги ва “Тожикифильм” давлат муассасаси раҳбарлари ўртасида 2021 йил 2 октябрь кунини “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали доирасида “Жомий ва Навоий” бадийи фильмни суратга олиш бўйича меморандум имзоланди.

— 2022 йил 29 апрель кунини Ўзбекистон Кинематография агентлигида “Жомий ва Навоий” бадийи фильмни кенгайтирилган синопсис муҳокамаси ва видеотақдими бўлиб ўтди, — дейди сценарийнавис ва навоийшунос Рустам Жаббор. — Унда фильмни суратга олиш бўйича шу пайтга қадар қилинган ишлар ҳақида сўз юритилди. Шундан сўнг фильмни ҳақида видеотақдимот иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Мазкур видеотақдимотда синопсиснинг мазмун-моҳияти, фильмнинг мақсади, суратга олиш механизмлари ҳусусида маълумот берилган.

Фильм сценарийси Рустам Жабборов, Юсуф Розиков, Сафар Ҳақдодов томонидан ёзилди. Сценарий дастлаб ўзбек ва тожик тилларида ёзилди, кейинчалик рус ва инглиз тилларига таржима қилинди. Шунингдек, мазкур сценарий икки давлат вакилларида иборат экспертларга ҳавола қилинган.

Бадийи фильмга Ўзбекистон Кинематография агентлиги ва “Тожикифильм” давлат муассасаси раҳбарларининг узаро келишуви асосида хориждан маслаҳатчи сифатида франциялик танкичи продюсер ва режиссёр Люк Бессон жалб қилинадиган бўлди. Шунга кўра, 2022 йил 14-18 сентябрь кунлари бўлиб ўтган “Ипак йўли дурдонаси” XIV халқаро кинофестивалида тожикистонлик ҳамкорлар ҳамда Люк Бессон иштирокида “Жомий ва Навоий” фильмни суратга олиш бўйича мулоқотлар, маҳорат дарси ташкил қилинди. Мулоқот давомида Люк Бессон Жомий ва Навоий ҳақидаги мазкур бадийи фильм лойиҳаси ҳақида киноси тарихида янгилик бўлишини қайд этди. У кинолойҳа туфайли икки буюк мутафаккир, уларнинг тинчлик ва дўстлик борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди ва лойиҳада иштирок этишга розилик билдирди. Бадийи сценарий унга маъқул келганини айтиб, бир қанча тавсиялари билан ўртоқлашди.

Кинофестиваль доирасида Кинематография агентлиги ва “Тожикифильм” ДМ ўртасида “Жомий ва Навоий” тарихий бадийи фильмни суратга олиш юзасидан икки томонлама шартнома имзолаш маросими ўтказилди.

Айни пайтда сценарий муаллифларида бири ва кинорежиссёр Юсуф Розиков Люк Бессоннинг тавсиялари асосида режиссёрлик сценарийсини ёзиш арасида. Ҳар икки мамлакат киножодкорлари томонидан фильмни суратга олишга тайёргарлик бошлаб юборилган.

Албатта, бу каби халқаро ижодий лойиҳалар кўнгилмизга ёруғлик олиб киради. Шундай кезларда устоз актёр Раззоқ Ҳамроев талқинидаги Алишер Навоий беш ўз йил олдин қатъият билан таъкидлаган мана бу сўзлар ёдимизга тушади: “Бир кун келгуси авлодлар тинчлик, биродарлик ва дўстлик борасида, албатта, мени ҳамкорликка чорлайдилар. Шунда мен “Лаббай!” дея ўз шеърларим ва асарларим билан жавоб бераман!”

Дарҳақиқат, биз хамиша сизнинг маънавий сабоқларингиз, маслаҳатларингиз, тенгсиз голярингизга муҳтожмики, Ҳазрат Навоий! Асарларингиз бутун башариётни, барча асарларини хушёрликка, бедорликка, асл ишқ ёғдусига чорлагувчи абадий згуғлик кўнгириги бўлиб янграши шубҳасиз!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
Бош муҳаррир: Салим Дониёров
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси
Тажриятга келган қўлмезлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
14119 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.
“ШАРҚ” нарийет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Хайридинмурод Абулфайзов
Мусахҳас: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА якуни — 22:00 Топширигди — 00:35